

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Тадбиркорлик  
субъектларининг хуқуқлари ва  
қонуний манфаатларини ҳимоя

қилиш бўйича вакил



Д.С. Касимов

2021 йил “12” 10.

Тадбиркорлик соҳасида давлат назорати билан боғлиқ  
катта ҳажмдаги маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш  
ва қайта ишлаш имконини берувчи  
“ЯГОНА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ” ахборот тизимини  
яратиш бўйича

## ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

(53 варакда)

2021 йил “12” октабр дан амал қиласди

## МУНДАРИЖА:

|         |   |    |
|---------|---|----|
| 1.      | Умумий маълумотлар.....   | 4  |
| 1.1.    | Тизимнинг тўлиқ номи ва унинг шартли белгиланиши .....                    | 4  |
| 1.2.    | Буюртмачи .....   | 4  |
| 1.3.    | Бажарувчи .....   | 4  |
| 1.4.    | Ишлаб чиқиш учун асос .....   | 4  |
| 1.5.    | Ишларни бошлаш ва тугатишнинг режа бўйича муддатлари .....                | 4  |
| 1.6.    | Молиялаштириш манбаалари.....   | 4  |
| 1.7.    | Ишлар натижаларини расмийлаштириш ва тақдим этиш тартиби.....             | 4  |
| 2.      | Тизимнинг вазифаси ва яратиш (ривожлантириш) мақсадлари.....              | 6  |
| 3.      | Ахборотлаштириш обьектларининг характеристикаси .....                     | 7  |
| 3.1.    | Тизимнинг умумий таснифлари ва фойдаланувчиларнинг қисқача фаолияти. .... | 7  |
| 3.2.    | Тизимнинг асосий модуллари ва функционали.....                            | 7  |
| 3.2.1.  | Тизимнинг интерфейси ва бўлимлари.....                                    | 8  |
| 3.2.2.  | “Маълумотномалар ва классификаторлар” модули .....                        | 9  |
| 3.2.3.  | “Фойдаланувчиларни бошкариш” модули.....                                  | 10 |
| 3.2.4.  | “Модератор” ва “Тасдиқловчи” модули.....                                  | 13 |
| 3.2.5.  | “Инспектор” модули .....  | 15 |
| 3.2.6.  | “Тадбиркорнинг шахсий кабинети” модули.....                               | 15 |
| 3.2.7.  | “Назорат қилувчи органлар ҳисобини юритиш” модули .....                   | 17 |
| 3.2.8.  | “Текширувларни рўйхатга олиш ягона тизими” модули.....                    | 17 |
| 3.2.9.  | “Текширишларни рўйхатга олиш китоби” модули .....                         | 18 |
| 3.2.10. | “Тадбиркор фаолияти бўйича ўз-ўзини текшириш” модули .....                | 20 |
| 3.2.11. | “Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги индексини шакллантириш” модули.....      | 20 |
| 3.2.12. | “Ташки интеграция” модули .....   | 20 |
| 3.2.13. | “Ҳисоботлар” модули .....   | 21 |
| 3.3.    | Тизимдаги асосий очиқ ва ёпиқ реестрлар.....                              | 21 |
| 3.3.1.  | Давлат назорат функциялари реестри .....                                  | 21 |
| 3.3.2.  | Мансабдор шахсларнинг электрон реестри .....                              | 21 |
| 3.3.3.  | Савдо-саноат палатаси аъзолари реестри.....                               | 22 |
| 3.3.4.  | Мажбурий талаблар реестри .....   | 22 |
| 3.3.5.  | Текшириш ҳукуқига эга мансабдор шахслар реестри .....                     | 23 |
| 3.4.    | Тизимнинг бошқа қисмлари .....  | 24 |
| 3.4.1.  | Назорат қилувчи органлар учун электрон шаклдаги текшириш саволномаси..... | 24 |
| 3.4.2.  | Ўтказилган профилактик тадбирларнинг электрон ҳисобини юритиш .....       | 25 |
| 3.4.3.  | Видео-дарсликлар.....   | 25 |
| 3.4.4.  | Сўровномалар .....  | 26 |
| 3.4.5.  | Шикоятлар ва хабарлар.....  | 26 |

|   |    |
|---|----|
| 3.4.6. Барча фойдаланувчилар учун очик маълумотлар .....  | 26 |
| 3.4.7. Ташқи маълумотлар портали.....   | 26 |
| 4. Тизимга қўйиладиган талаблар .....   | 28 |
| 4.1. Умуман тизимга қўйиладиган талаблар .....  | 28 |
| 4.1.1. Тизимнинг структураси ва ишлашига қўйиладиган талаблар .....   | 28 |
| 4.1.2. Тизим ходимларининг сони ва малакасига ҳамда унинг ишлаш режимига қўйиладиган талаблар.....                | 29 |
| 4.1.3. Вазифаси кўрсаткичлари .....   | 30 |
| 4.1.4. Ишончлилигига қўйиладиган талаблар.....  | 31 |
| 4.1.5. Хавфсизлигига қўйиладиган талаблар .....   | 32 |
| 4.1.6. Эргономика ва техник эстетикага қўйиладиган талаблар .....   | 33 |
| 4.1.7. Транспортда ташиш мумкинлигига қўйиладиган талаблар .....  | 34 |
| 4.1.8. Тизим компонентларидан фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва саклашга қўйиладиган талаблар..... | 35 |
| 4.1.9. Ахборотни руҳсатсиз фойдаланишдан муҳофаза қилишга қўйиладиган талаблар .....                              | 35 |
| 4.1.10. Аварияларда ахборотнинг сакланганлиги бўйича талаблар .....   | 36 |
| 4.1.11. Ташқи таъсиридан муҳофаза қилишга қўйиладиган талаблар .....  | 36 |
| 4.1.12. Патент ва лицензия соғлилигига қўйиладиган талаблар .....   | 37 |
| 4.1.13. Стандартлаштириш ва бир хиллаштириш бўйича талаблар .....   | 37 |
| 4.1.14. Қўшимча талаблар.....   | 37 |
| 4.2. Тизим томонидан бажариладиган функцияларга қўйиладиган талаблар .....  | 37 |
| 4.3. Таъминот турларига қўйиладиган талаблар .....  | 38 |
| 4.3.1. Математик таъминотига қўйиладиган талаблар.....  | 38 |
| 4.3.2. Ахборот таъминотига қўйиладиган талаблар .....   | 38 |
| 4.3.3. Лингвистик таъминотига қўйиладиган талаблар .....  | 39 |
| 4.3.4. Дастурий таъминотига қўйиладиган талаблар .....  | 40 |
| 4.3.5. Техник таъминотига қўйиладиган талаблар .....  | 41 |
| 4.3.6. Метрологик таъминотига қўйиладиган талаблар.....   | 43 |
| 4.3.7. Ташкилий таъминотига қўйиладиган талаблар .....  | 43 |
| 4.3.8. Услубий таъминотига қўйиладиган талаблар.....  | 44 |
| 5. Тизимни яратиш бўйича ишларнинг таркиби ва мазмуни.....  | 45 |
| 6. Тизимни назорат қилиш ва қабул қилиш тартиби.....  | 47 |
| 6.1. Тизимни қабул қилиш тартиби .....  | 47 |
| 6.2. Текшириш ва синовлардан ўтказиш шартлари .....   | 48 |
| 6.3. Қабул қилиш комиссиясининг тузилиши тартиби, таркиби ва статуси.....   | 48 |
| 7. Тизимни ишга туширишда тайёрлаш бўйича ишларнинг таркиби ва мазмунига қўйиладиган талаблар .....               | 50 |
| 8. Хужжатлаштиришга қўйиладиган талаблар .....  | 51 |
| 9. Ишланма манбаалари .....   | 52 |

## 1. Умумий маълумотлар

### 1.1. Тизимнинг тўлиқ номи ва унинг шартли белгиланиши

Тизимнинг тўлиқ номи: Тадбиркорлик соҳасида давлат назорати билан боғлик катта ҳажмдаги маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш имконини берувчи “ЯГОНА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ” ахборот тизими

### 1.2. Буюртмачи

Буюртмачи Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуклари ва конуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (кейинги ўринларда – “Бизнес-омбудсман”);

Манзил: 100015, Тошкент шахри, Нукус кўчаси, 73А. Телефон рақамлари: (0-371) 207-04-43

### 1.3. Бажарувчи

Ушбу лойиҳанинг бажарувчиси аукцион (танлов) асосида белгиланади.

### 1.4. Ишлаб чиқиши учун асос

Ўзбекистон Республикасининг «Электрон Ҳукумат тўғрисида»ги Конуни (2015 йил 09 декабрдаги № ЎРҚ-395-сонли);

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.09.2021 йилдаги “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПФ-6314-сон Фармони.

### 1.5. Ишларни бошлаш ва тугатишнинг режа бўйича муддатлари

Ишлаб чиқиши бошлаш: 1 ноябрь 2021 йил

Ишлаб чиқиши тугатиш: 1 март 2022 йил

### 1.6. Молиялаштириш манбаалари

Тизимни ишлаб чиқиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади

### 1.7. Ишлар натижаларини расмийлаштириш ва тақдим этиш тартиби

Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва фойдаланишга топшириш ишлари мазкур техник топшириқнинг олтинчи ва еттинчи бўлимларида келтирилган талаблар асосида буюртмачи томонидан қабул қилиб олинади.

Буюртмачининг хохишига кўра, буюртмачининг ўз мутахассислари ҳамда (ёки) буюртмачи томонидан жалб этилган бошка мутахассислар иштирокида ахборот тизимини қабул қилиб олиш учун маҳсус ишчи гурухи тузилиши мумкин.

Буюртмачи бажарувчидан ахборот тизимини маҳсус ишчи гурухи олдида химоя қилиш ва тизимнинг ишлаш тартибини тўлиқ тушунтириб беришни талаб қилишга ҳақли.

Буюртмачи томонидан шартномага асосан бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб, ахборот тизими буюртмачи томонидан фойдаланиш учун тўлиқ қабул қилиб олинган ҳисобланади.

Иш натижаларини тақдим этиш қуидагилардан ташкил топади:

- тўлиқ ишлаб чиқилган ва буюртмачининг мутахассислари томонидан тўлиқ синовдан ўтказилган ахборот тизими;
- буюртмачининг мутахассислари учун тизимдан фойдаланиш тартиби бўйича ўтказилган ўкув;
- тизимдан фойдаланиш тартиби бўйича ишлаб чиқилган электрон шаклдаги йўриқнома.
- Тизимнинг вазифаси ва яратиш мақсадлари.

Бажарувчи ахборот тизими фойдаланишга топширилгандан сўнг 2 йил мобайнида ахборот тизими тўғри ва соз ишлашини техник жихатдан таъминлаш, фойдаланиш даврида аниқланган камчиликларни бартараф этиш мажбуриятини олади.

## 2. Тизимнинг вазифаси ва яратиш (ривожлантириш) мақсадлари

**Тизимнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:**

- 1) тадбиркорлар фаолиятидаги текширувлар юзасидан барча маълумотлар ва хужжатларнинг ягона тизимда юритилишини таъминлаш;
- 2) тадбиркорларга уларнинг фаолиятига таалукли мажбурий талаблар, назорат органларининг назорат функциялари ва уларда ўтказилаётган текширувлар, уларнинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни етказиш;
- 3) тадбиркорларга ўз фаолиятига таалукли мажбурий талаблар бўйича ўзини-ўзи текшириш ҳамда онлайн ўқитиш механизмларини яратиш;
- 4) назорат органларининг давлат назоратини олиб бориш фаолиятини баҳолаш ва уларни баҳолашни автоматлаштириш;
- 5) тадбиркорлар фаолиятидаги текширувлар тўғрисида тўлиқ ва сифатли статистик маълумотларни шакллантириш.

**Тизимни яратиш ва жорий қилишдан асосий мақсадлар:**

- 1) назорат қилувчи органларнинг давлат назоратини амалга ошириш билан боғлиқ жараёнларининг шаффоғлигини таъминлаш;
- 2) назорат органларининг тадбиркорлар фаолиятига ортиқча аралашувининг олдини олиш;
- 3) давлат назорати жараёнида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқукий ҳимоясини таъминлаш;
- 4) тадбиркорларга текширувлар, мажбурий талаблар, назорат функциялари ва назорат тадбирлари тўғрисидаги маълумотларнинг очиқлигини таъминлаш.

### 3. Ахборотлаштириш объектларининг характеристикаси

#### 3.1. Тизимнинг умумий таснифлари ва фойдаланувчиларнинг қисқача фаолияти.

Тизимнинг имкониятлари:

1. Назорат органлари томонидан тизимга текширувлар түғрисида маълумотлар ва ҳужжатларни киритиш;
2. Тизим модераторлари томонидан назорат қилувчи органлар томонидан киритилган буюртмаларни кўриб чиқиш, маълумот ва ҳужжатларнинг тўғрилигини назорат қилиш;
3. Назорат қилувчи органларнинг тадбиркорларни текшириш хуқуки берилган мансабдор шахслари реестирини шакллантириш ва уларга берилган хукукнинг амал қилиш муддатларини назорат қилиш;
4. Тадбиркорларга тизимдан рўйхатдан ўтиш ва шахсий кабинетини очиш имкониятини яратиш;
5. Ҳар бир тадбиркор учун текширувларни рўйхатдан ўтказиш бўйича электрон китоб очиш;
6. Давлат назорати функцияларининг электрон реестирини шакллантириш;
7. Тадбиркорлар фаолиятига таалуқли мажбурий талабларнинг реестирини шакллантириш;
8. Тадбиркорлик субъектларида текшириш хуқуқига эга бўлган ва маҳсус гувохномага эга мансабдор шахслар реестирини шакллантириш;
9. Тадбиркор ўз фаолиятининг мажбурий талабларга мувофиқлигини “чеклист” ва сўров асосида текшириши;
10. Ўтказилган текширувлар натижаси ва назорат қилувчи органлар фаолияти юзасидан тадбиркорлар орасида сўровнома ўтказиш;
11. Тадбиркорлик соҳасидаги қонунчилик талablari юзасидан видео дарсликлар жойлаштириш;
12. Назорат қилувчи орган ҳодимлари ва уларнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан шикоятлар қолдириш;
13. Ҳар бир назорат органлари фаолиятини баҳолаш учун индекслар ва кўрсаткичларни шакллантириш;
14. Тизимга киритилган маълумотлар ва ҳужжатлар асосида статистик хисоботларни шакллантириш.

#### 3.2. Тизимнинг асосий модуллари ва функционали

- 1) “Маълумотномалар ва классификаторлар” модули
- 2) “Фойдаланувчиларни бошқариш” модули”
- 3) “Модератор” модули


- 4) “Тасдиқловчи” модули
- 5) “Инспектор” модули
- 6) “Тадбиркорниң шахсий кабинети” модули
- 7) “Назорат қилувчи органлар ҳисобини юритиш” модули.
- 8) “Текширувларни рўйхатга олиш ягона тизими” модули
- 9) “Текширувларни рўйхатга олиш китоби” модули
- 10) “Тадбиркор фаолияти бўйича ўз-ўзини текшириш” модули
- 11) “Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги индекси” модули
- 12) “Ташқи интеграция” модули
- 13) “Хисоботлар” модули
- 14) “Таҳлил ва аналитика” модули

### 3.2.1. Тизимнинг интерфейси ва бўлимлари

#### Персонал компьютердаги интерфейс

Тизимнинг асосий веб-саҳифаси барча фойдаланувчилар учун очик бўлиб унда тизимдаги маълумотлар асосида шаклланган статистик ва бошқа ахборотлар, янгиликлар, сўрвномалар, реестрлар тўғрисида маълумотларни кўриш имкониятлари мавжуд бўлади.

*Персонал компьютердаги интерфейс структураси (визуализация):*



Тизимнинг асосий веб-саҳифасида барча фойдаланувчилар учун очик бўлган маълумотлар кўрсатилади.

Саҳифанинг чап томонида меню ва илк саҳифанинг энг юқори қисмида тизим номи ва тизимга кириш ёки рўйхатдан ўтиш учун логин ва пароль сўров қисми кўрсатилади.

Пастки қисмда тизимдаги маълумотлар асосида шаклланган статистик ва бошқа ахборотлар ва янгиликлар кўринади. Саҳифанинг энг пастки қисмida алоқа маълумотлари, саҳифа ҳаритаси ва ташкилот номлари кўрсатилади.

Барчага очик интерфейснинг менюси қуйидаги бўлимлардан иборат:

- Асосий – бошқа саҳифалардан асосий саҳифага ўтиш тугмаси;
- Янгиликлар – тизимга юкланган янгиликларни алоҳида бўлимда кўрсатиш;
- Назорат функциялари реестри – назорат қилувчи органлар рўйхати ва уларнинг хар бирининг ичидаги назорат ваколатлари қайси норматив хуқуқий хужжатга асосан берилганлигини кўрсатувчи маълумотлар акс этади;
- Мажбурий талаблар реестри – тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ мажбурий талаблар рўйхати, тадбиркорлик турига мувофиқ ажратилган ҳолда кўрсатилади;
- Сўровномалар – давлат назорати билан боғлиқ турли сўровномалар ва уларнинг натижалари.

### *Мобил илова интерфейси*



Тизимнинг мобил илова версиясининг асосий саҳифасида статистик ва бошқа ахборотлар, янгиликлар акс эттирилмайди. Мобил иловага кирилганда юқоридаги асосий меню бўлимлари йирик иконалар билан кўрсатилади.

Мобил илова орқали аввалроқ веб-саҳифа орқали рўйхатдан ўтган тадбиркорлар ўз шахсий кабинетига кириш имкониятига эга бўлади. Мобил илова орқали рўйхатдан ўтиш имконияти мавжуд бўлмайди.

Тадбиркор ўз логин ва паролидан фойдаланган ҳолда мобил илова орқали тизимга кирганда, унда веб-саҳифа орқали кирганда фойдаланиши мумкин бўлган барча модуллар ва функциялар тўлиқ очик бўлади. Мобил иловада парол ўрнига биометрик маълумотлар асосида тизимни очиш имконияти ҳам яратилади.

#### **3.2.2. “Маълумотномалар ва классификаторлар” модули**

Ушбу модулда барча турдаги маълумотномалар (справочниклар) ва классификаторларни юритиш, бунда янги қийматларни киритиш, ўзгартериш, вақтинча деактивация қилиш, ўчириш каби имкониятлар яратилади.

Бошлангич тарзда, модулда куйидаги маълумотномалар ва классификаторлар киритилиши лозим:

- Давлатлар;
- Вилоятлар (Ўзбекистон худудлари)
- Туманлар (Ўзбекистон худудлари)
- Хужжат турлари (шахсни тасдиқловчи);
- Миллатлар;

- Жинс;
- Иш тури (жиноят, маъмурий ва ҳ.к.);
- Назорат органлари;
- Инспекторлар;
- ОКЕД

Тизим ишлаши учун бошқа зарур маълумотномалар ва классификаторлар турлари дастурий таъминот яратилиши вақтида аниқлаштирилиши мумкин.

Тизимда жисмоний шахслар ЖШШИР, юридик шахслар эса СТИР ракамлари билан идентификацияланади. Бошқа турдаги шахслар тегишли идентификатор билан идентификация қилинади.

Жисмоний ва юридик шахслар тўғрисидаги маълумотлар электрон хукumat тизимининг марказий маълумотлар базалари орқали олиниши лозим.

### **3.2.3. “Фойдаланувчиларни бошқариш” модули**

Фойдаланувчиларни бошқариш модулида Тизимга кириш ва турли амаллар бажариш, янги фойдаланувчиларни киритиш, улар тўғрисидаги маълумотларни таҳрирлаш, ўчириш каби амалларни бажарилиши лозим.

Тизим фойдаланувчилари 4 турга классификацияланади:

#### **Бизнес-омбудсман вакиллари**

Модераторлар (маълумотларни таҳлил қиласи, тўғрилигини текширади, кўриб чиқиш натижаларини тайёрлайди)

Тасдиқловчи (Тизимдаги масалалрни кўриб чиқиш натижаларини тасдиқлайди)

**Инспектор** (тизимга назорат қилувчи орган фаолиятига алоқадор маълумот ва хужжатларни киритади)

**Тадбиркор** (тизим орқали тадбиркорларга кўрсатиладиган хизматлардан фойдаланади, маълумотлар билан танишади, сўровномаларда қатнашади ва шикоятлар йўллайди)

**Бошқа фойдаланувчилар** тизимга кириш бош саҳифасида рўйхатдан ўтмасдан кўриш мумкин бўлган умумий статистик ва бошқа ахборотлар кўрсатилади ва бош саҳифа орқали фақат тадбиркорларга рўйхатдан ўтиш менюси кўрсатилади.

Назорат органлари ҳодимлари ва Бизнес омбудсман вакиллари тизимга кириш алоҳида саҳифалар орқали амалга оширилиши лозим.

#### **Мисол:**

Бизнес омбудсман вакиллари учун кириш: [bizombudsman.govcontrol.uz](http://bizombudsman.govcontrol.uz)

Назорат органлари ҳодимлари учун: [inspector.govcontrol.uz](http://inspector.govcontrol.uz)

#### **Бизнес-омбудсман вакилларини рўйхатдан ўтказиш:**

Тизим билан бевосита ишловчи Бизнес-омбудсман ҳодимларига логин ва пароль (парольни кейинчалик ўзгартириш имконияти билан) тақдим этилади. Бизнес омбудсман вакиллари тизимга фақат ўзларига тақдим этиган логин ва пароль орқали киришлари мумкин. Тизимда Бизнес-омбудсман вакиллари 2 турга, Модератор ва Тасдиқловчига ажратилади. Худудларда фаолият юритувчи вакилларга фақат ўз худудига таалуқли маълумотлар кўринади, республика даражасидаги вакилларга барча маълумотлар кўринади.

Модератор тизимнинг қуидаги функцияларидан фойдалана олади:

Тизимга киритилган барча маълумот ва хужжатларни кўриш, текшириш ва тақорланувчи маълумотларни қайта кўриб чиқиш;

Назорат органларидан келиб тушган буюртмаларни кўриб чиқиш ва натижаси юзасидан текширишга рухсат бериш ёки рад этиш тўғрисидаги хат лойиҳасини тайёрлаш ва тасдиқловчига тасдиқлаш учун юбориш;

Конун бузилиш ҳолатлари юзасидан тизимга белгилар киритиш;

Конунчиликка мувофик назорат функциялари ва мажбурий талабларга ўзгартириш киритилганда, улар бекор қилинган ёки қўшилганда назорат функциялари ва мажбурий талаблар реестрларига тегишли ўзгартиришлар киритиш;

Тадбиркорларни текшириш хукуқини бериш бўйича аттестация натижаларини тасдиқлаш;

Инспекторларни рўйхатдан ўтказиш, уларнинг саҳифаларини тўхтатиб қўйиш ва бекор қилиш;

Тизимдаги барча маълумотларни кўчириб олиш ва қўшимча маълумотларни киритиш;

Тизимга киритилган сўровнома натижалари, шикоятлар ва статистик ахборотларни кўриш, таҳлил қилиш, кўчириб олиш ва назорат органларини баҳолаш билан боғлиқ маълумотларни киритиш.

Тасдиқловчи Модератор учун мавжуд бўлган юқоридаги функцияларга қўшимча равища текширувларга рухсат бериш ёки рад этиш тўғрисидаги хатларни, шикоятлар юзасидан жавобларни тасдиқлаш функцияларидан фойдалана олади.

#### **Инспекторларни рўйхатдан ўтказиш:**

Инспекторларни рўйхатдан ўтказиш Назорат қилувчи органлар раҳбарларининг сўровига асосан Модераторлар томонидан амалга оширилади.

Инспекторларни рўйхатдан ўтказишда тизимга инспекторларнинг фаолият худуди (вилоят ёки республика миқёси), тадбиркорларда текшириш хукуқига эга бўлган ва маҳсус гувохномага эга мансабдор шахслар реестиридаги рақами, фаолият юритувчи назорат қилувчи орган ва тегишли бўлинма номи кўрсатилади.

Модератор инспекторни рўйхатдан ўтказгандан сўнг унга логин ва пароль тақдим этади (паролни кейинчалик ўзгартириш имконияти билан). Инспектор тизимга тақдим этилган логин ва пароль орқали киради.

Инспектор тизимнинг қуидаги функцияларидан фойдалана олади:

Тизимга текширишлар билан боғлиқ маълумотлар ва хужжатларни киритиш;

Тадбиркорларни текшириш хуқукини бериш бўйича аттестация натижаларини тасдиқлаш учун киритиш;

Ўз ваколат ва худуди доирасида текширувлар юзасидан тизимга киритилган маълумот ва хужжатларни кўчириб олиш;

Ўтказилган профилактик тадбирлар тўғрисида маълумотлар киритиш;

Тизимдаги носозликлар тўғрисида хабарлар киритиш.

**Тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиши:**

Тадбиркорлар асосий веб-саҳифа орқали ўзлари рўйхатдан ўтади. Рўйхатдан ўтишда тадбиркорлик субъектининг СТИР рақамини киритади ва шу орқали Давлат хизматларининг тегишли тизимидағи тадбиркорлик субъекти тўғрисидаги маълумотлар автоматик тўлдирилади ва ушбу маълумотлар тадбиркорлик субъектининг электрон ракамли имзоси билан тасдиқланади. Маълумотлар электрон рақамли имзо билан фақат биринчи маротаба рўйхатдан ўтганда тасдиқланади, тизимдан кейинги фойдаланиш жараёнида электрон рақамли имзо талаб этилмайди.

Рўйхатдан ўтиш жараёнида тадбиркор ўз шахсий кабинетига кириш учун логин ва паролни тасдиқлайди. Ушбу логин ва пароль орқали тадбиркор кейинчалик веб-саҳифа ва мобил илова орқали электрон рақамли имзосиз тизимдан фойдаланиши мумкин бўлади.

Тизимда тадбиркорлик субъектининг мобил телефон рақамини рўйхатдан ўтказиш имконияти яратилади. Мобил телефон рақами СМС-хабарлар юбориш учун, шикоят келиб тушганда Модераторлар тадбиркорлар билан алоқага чиқиши учун рўйхатдан ўтказилади.

Тадбиркор тизимнинг қуидаги функцияларидан фойдалана олади:

Ўз тадбиркорлик субъектида ўтказилган ва ўтказилиши режалаштирилган текширувлар тўғрисида маълумотларни кўриш, жумладан текширувни амалга оширувчи назорат қилувчи орган, орган мансабдор шахс, текшириш коди, даври ва муддати тўғрисида маълумотларни кўриш;

Ўтказилган текширувлар юзасидан шикоятлар қолдириш, коррупция ҳолатлари хақида хабар бериш;

Фаолиятида текшириш ўтказилаётганда текширувларни рўйхатдан ўтказиш китобига ёзувлар киритиш. Хусусан, текширувчи мансабдор шахслардан текширувларни рўйхатдан ўтказиш электрон китобига ўрнатилган тартибда ёзувлар киритишини талаб қилиш ва ўзи тўлдириши лозим бўлган қисмини тўлдириш;

Назорат функциялари реестири билан танишиш;

Текширувчи мансабдор шахсларнинг маҳсус гувоҳнома рақамини ёки Ф.И.Шни киритиш орқали уларнинг Тадбиркорлик субъектларида текшириш хуқуқига эга бўлган ва маҳсус гувоҳномага эга мансабдор шахслар реестирида мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текшириш;

Тадбиркорлар фаолиятига таалукли мажбурий талабларнинг реестирини кўриш, унда ИФУТ коди орқали ўз фаолиятига таалукли мажбурий талабларни ажратиб кўриш ва ҳар бир мажбурий талабларга ўз фаолиятининг мувофиқлигини текшириш;

Назорат органлари фаолиятини баҳолаш бўйича индекслар ва кўрсаткичларни баҳолашда қатнашиш;

Сўровномаларда иштирок этиш;

Тизимда мавжуд видео дарсликлардан фойдаланиш;

Тизим фаолиятидаги камчиликлар юзасидан шикоят қилиш.

#### **Бошқа фойдаланувчилар:**

Бошқа фойдаланувчилар тизимда рўйхат ўтиши талаб этилмайди.

Бошқа фойдаланувчилар тизимнинг қуидаги функцияларидан фойдалана олади:

Тизимдаги маълумотлар асосида шаклланган статистик ва бошқа ахборотлар билан танишиш;

Назорат функциялари реестири билан танишиш;

Тадбиркорлар фаолиятига таалукли мажбурий талабларнинг реестири билан танишиш;

Сўровномалар ва назорат қилувчи органлари фаолиятини баҳолашда иштирок этиш.

#### **3.2.4. “Модератор” ва “Тасдиқловчи” модули**

Тизимдан рўйхатдан ўтгандан сўнг Модераторларга қуидаги бўлим ва модуллар очиқ бўлади:

- 1) Текширувларни рўйхатдан ўтказиш ягона тизими;
- 2) Текширувлар китоби;
- 3) Назорат функциялари реестри;
- 4) Мажбурий талаблар реестри;
- 5) Тадбиркорларни текшириш хуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар реестри;
- 6) Инспекторларни рўйхатдан ўтказиш;
- 7) Назорат органларини баҳолаш;
- 8) Видео дарсликлар;
- 9) Сўровномалар;
- 10) Шикоятлар.

Текширувларни рўйхатдан ўтказиш ягона тизими – ушбу модулда бугунги кунда мавжуд Текширувларни рўйхатга олиш ягона тизими ([tt.biznesvakil.uz](http://tt.biznesvakil.uz)) жойлаштирилади. Унда модераторларга тизимга киритилган барча маълумот ва хужжатларни кўриш, текшириш ва такрорланувчи маълумотларни қайта кўриб чиқиш, назорат органларидан

келиб тушган буюртмаларни кўриб чиқиш ва натижаси юзасидан текширишга рухсат ёки рад жавоблари лойиҳасини тайёрлаш ва тасдиқловчига юбориш, қонун бузилиш холатлари бўйича тизимга белгилар киритиш имкониятлари мавжуд бўлади.

Текширувлар китоби – Текширувларни рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказилган текширувлар бўйича тадбиркорлар ва назорат қилувчи органлар томонидан текширув бошланишидан аввал текширувлар китобига киритилган маълумотлар кўринади, маълумотлар Модератор томонидан мониторинг қилиб борилади. Киритилган маълумотларга ўзгартириш киритилишига йўл кўйилмайди.

Назорат функциялари реестри – реестрда барча назорат қилувчи органлар рўйхати хамда уларга қонунчиликка мувофиқ белгиланган назорат функциялари (текширишлар) рўйхати кўрсатилади. Модераторларга ушбу рўйхатга қонунчиликдаги ўзгаришлардан келиб чиқиб ўзгартириш киритиш имконияти берилади.

Мажбурий талаблар реестри – реестрда қонунчилик хужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятига нисбатан белгиланган мажбурий талаблар рўйхати кўрсатилади. Модераторларга ушбу рўйхатга қонунчиликдаги ўзгаришлардан келиб чиқиб ўзгартириш киритиш имконияти берилади.

Тадбиркорларни текшириш хуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар реестри – қонунчиликда белгиланган тартибда аттестациядан ўтган, хамда тадбиркорлик субъектларини текшириш хуқуқига эга бўлган назорат органларининг мансабдор шахслари рўйхати кўрсатилади. Назорат қилувчи органлар мансабдор шахслари аттестациядан ўтганидан сўнг Инспектор томонидан реестрга киритилган мансабдор шахслар Модератор томонидан тасдиқланади.

Инспекторларни рўйхатдан ўтказиш – назорат қилувчи органлар сўровларига мувофиқ Инспекторларни рўйхатдан ўтказиш, уларни рўйхатдан ўтказишда уларнинг профилини фаолият юритиш худуди ва текшириш хуқуқига эга мансабдор шахслар реестрига улаш. Инспекторлар профилини вактинчалик тўхтатиб қўйиш ёки ўчириб ташлаш имкониятлари бўлади.

Назорат органларини баҳолаш – бўлимда Модераторлар назорат органларини баҳолаш натижаларини кўриш, тегишли бўлинмалар орқали уларнинг фаолиятини баҳолашда қатнашиши мумкин бўлади.

Видео-дарсликлар – тадбиркорларга қонунчилик талабларини тушунтириш хамда уларнинг хуқукий саводхонлигини оширишга қаратилган видео-дарсликларни юклаш хамда уларга ўзгартириш киритиш.

Сўровномалар – бўлимда Модераторлар тадбиркорлик соҳасида сўровномалар яратиш, уларнинг натижаларини кўриш ва кўчириб олиш имкониятига эга бўлади.

Шикоятлар – бўлимда тизимга киритилган шикоятларни кўриб чиқиш ва улар бўйича жавоб хатларини тайёрлаш ва тасдиқлаш учун юклаш имкониятлари мавжуд бўлади.

Тасдиқловчи Модератор учун мавжуд бўлган юқоридаги функцияларга қўшимча равишда текширувларга рухсат бериш ёки рад этиш тўғрисидаги хатларни, шикоятлар юзасидан жавобларни тасдиқлаш функцияларидан фойдалана олади.

### 3.2.5. “Инспектор” модули

Тизимдан рўйхатдан ўтгандан сўнг Инспекторларга қўйидаги бўлим ва модуллар очиқ бўлади:

- 1) Текширувларни рўйхатдан ўтказиш ягона тизими;
- 2) Аттестация натижаларини юклаш (аттестация ишчи органи учун);
- 3) Тизим фаолияти юзасидан шикоят ва таклифлар қолдириш.

Текширувларни рўйхатдан ўтказиш ягона тизими – ушбу модулда Инспекторлар режалаштирилган текширувлар юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда маълумотлар ва хужжатларни юклайди ва аввал рўйхатдан ўтказилган текширувлар маълумотларини кўра олади.

Аттестация натижаларини юклаш – мазкур бўлим орқали аттестация комиссиясининг ишчи органида фаолият юритувчи инспекторлар ўтказилган аттестация хужжатлари, аттестациядан ўтказилган номзодлар тўғрисидаги маълумотларни ҳамда аттестация натижаларини тизимга Модераторлар томонидан тасдиқлаш учун кирита олади.

Тизим фаолияти юзасидан шикоят ва таклифлар қолдириш – бўлим орқали тизим фаолияти юзасидан Модераторларга таклиф ва шикоятлар қолдирилиши мумкин.

### 3.2.6. “Тадбиркорнинг шахсий кабинети” модули

Тизимдан рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳар бир тадбиркорга алоҳида шахсий кабинет очилади. Шахсий кабинетда қўйидаги бўлимлар ва модуллар мавжуд бўлади:

- 1) Профиль;
- 2) Қамраб олинган фаолият турлари;
- 3) Шикоятлар ва ҳабарлар;
- 4) Текширувларни рўйхатдан ўтказиш тизими;
- 5) Текширувлар китоби;
- 6) Назорат функциялари;
- 7) Мажбурий талаблар;
- 8) Назорат органлари мансабдор шахслари реестри;
- 9) Назорат органларини баҳолаш;
- 10) Видео дарсликлар;
- 11) Сўровномалар.

Профиль – бўлимда рўйхатдан ўтишда киритилган маълумотлар, жумладан, тадбиркорлик субъекти номи, юридик манзили, СТИР, ИФУТ ва бошқа уникал рўйхат рақамлари, субъект вакили, телефон рақамлар кўрсатилади. Шунингдек, профилдаги маълумотларга ўзгартириш киритиш созламалари мавжуд бўлади.

Қамраб олинган фаолият турлари – рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъекти ўзи шуғулланадиган фаолият турларини мавжуд фаолият турлари рўйхатидан танлаб тизимда рўйхатдан ўtkазади. Ушбу бўлимда танланган фаолият турлари кейинчалик тизимда мавжуд модуллар, хусусан, назорат функциялари ва мажбурий талаблар реестрлари модуллари орқали тадбиркорнинг фаолият турларига таалукли назорат функцияларни ва мажбурий талабларни шакллантиришга асос бўлади.

Шикоятлар ва ҳабарлар – тизим орқали юборилган шикоятлар рўйхати ҳамда уларни кўриб чиқиши натижалари бўйича ҳабарларни ўз ичига қамраб олади.

Текширувларни рўйхатдан ўtkазиш тизими – бўлим орқали мавжуд Текширувларни рўйхатдан ўtkазиш ягона электрон тизими модулидан тадбиркорлик субъектида ўtkazилган ва ўtkaziliши режалаштирилган текширувлар тўғрисида маълумотлар, жумладан, улар ўtkazilgan ёки ўtkazildigан давр, муддат, текширув коди, назорат қилувчи орган, назорат қилувчи органнинг текширув ўtkazuvchi бўлинмаси ва текширув тури ҳақида маълумотлар кўrсатилади.

Текширувлар китоби – тадбиркорлик субъектига текширув ўtkazish учун назорат қилувчи органлар мансабдор шахслари ташриф буюрганда, ўtkazilaётган текширув мазкур бўлимга назорат қилувчи органлар мансабдор шахслари ва тадбиркор томонидан қайд этилади. Ҳар бир текширув бўйича китобда тадбиркор томонидан текширув юзасидан шикоят билдириш ва ўtkazilgan текшируvни баҳолаш бўйича бўлинмалар мавжуд бўлади.

Назорат функциялари – бўлимда барча назорат органлари ва уларга қонунчилик хужжатлари билан белгиланган ваколатлари доирасидаги назорат функциялари (текширув турлари) рўйхати ҳамда алоҳида бўлинмада тадбиркорлик субъекти “Қамраб олинган фаолият тури” менюсида танлаган фаолият турлари бўйича назорат қилувчи органларнинг назорат тадбирлари рўйхати кўrсатилади.

Мажбурий талаблар – бўлимда барча тадбиркорлар учун умумий бўлган қонунчиликда белгиланган мажбурий талаблар рўйхати ҳамда фаолият тури бўйича алоҳида мажбурий талаблар рўйхати кўrсатилади. Шунингдек бўлим ичидаги алоҳида бўлинма орқали тадбиркорлик субъекти “Қамраб олинган фаолият тури” менюсида танлаган фаолият турлари бўйича қонунчиликнинг мажбурий талаблари рўйхати ҳам кўrсатилади.

Назорат органлари мансабдор шахслари реестри - тадбиркорлар мазкур реестрга киришлари ҳамда мансабдор шахснинг маҳсус гувохномаси рақамини ёки унинг исми ёки фамилиясини излаш бўлинмасига киритиш орқали мансабдор шахс ҳақида

маълумот топиши мумкин бўлади. Бунда тадбиркорга излаш натижалари, уларда изланган параметр бўйича тўғри келадиган мансабдор шахслар рўйхати чиқади.

Назорат органларини баҳолаш – бўлимда назорат қилувчи органлар рўйхати ва ҳар бир назорат қилувчи орган фаолиятини алоҳида баҳолаш бўйича сўровномалар мавжуд бўлади.

Видео дарсликлар – ушбу бўлимда тадбиркорлик соҳасида қабул қилинган сўнгги қонунчилик хужжатлари ҳамда соҳада тадбиркорлар ва давлат органларига қўйилган талаблар тўғрисида батафсил маълумот берувчи видео дарсликлар мавжуд бўлади.

Сўровномалар – тадбиркорлар фикрини ўрганиш бўйича ҳар хил турдаги сўровномалар.

### **3.2.7. “Назорат қилувчи органлар ҳисобини юритиш” модули**

Назорат қилувчи органлар ҳисобини юритиш бўйича маълумотлар базасида ва ахборот тизимида маҳсус модул ишлаб чиқилади. Бунда бошқа вазирлик ва идораларда мавжуд маълумотлар интеграция орқали олиниши таъминлаш зарур.

Назорат қилувчи органларнинг асосий қуидаги маълумотлари бўлиши зарур:

- СТИР ёки маҳсус коди;
- қисқача номи;
- тўлиқ номи;
- юқори турувчи ташкилоти;
- алоқа учун маълумот;
- жойлашган ҳудуд тўғрисидаги маълумотлар;
- реестрга кирган сана;
- реестрдан чиқарилган сана;
- электрон имзо очик сертификати;
- бошқа тегишли маълумотлар.

Реестрга маълумотлар қўшиш ва чиқариш электрон имзо орқали бир неча босқичли амалга оширилиши лозим. Бунда барча жараёнлар керакли журналларда қайд этилиши лозим.

### **3.2.8. “Текширувларни рўйхатга олиш ягона тизими” модули**

Тизимга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сонли Фармони асосида яратилган ва бугунги кунда ишлаб турган “Текширувларни рўйхатга олиш ягона тизими” миграция қилинади ҳамда бугунги кунда ишлаб турган барча функционаллари сақланиб қолинади. Модулга қонунчилик талабларидан келиб чиқсан ҳолда ҳамда тизимдаги бошқа модуллар билан маълумот алмашинуви учун айрим қўшимчалар киритилади.

Мавжуд модулга киритиладиган ўзгартеришлар:

- Текширувларни рўйхатга олишда нафақат СТИР балки ЖШШИР коди орқали рўйхатдан ўтказиш имкониятини яратиш, бунда солиқ органининг жисмоний шахс сифатида тадбиркорликни амалга оширувчи шахслар реестри билан интеграция қилиш ва маълумотлар алмашинувини таъминлаш;
- Ҳар бир рўйхатдан ўтказилган текширувда Модераторлар томонидан ушбу текширишда қонун бузилиш ҳолатлари аниқланганда улар тўғрисида белги ва маълумотлар қолдириш имкониятини яратиш;
- Текширувларни Ягона тизимда рўйхатдан ўтказишда назорат қилувчи орган томонидан ўз ваколатларига таалуқли бўлган текшириш жараёнида ўрганиладиган саволларни “чеклист” кўринишидаги саволномадан танлаб кўрсатиш имкониятини яратиш. Бунда ҳар бир назорат қилувчи орган профили учун олдиндан тасдиқланган ўз йўналиши бўйича саволномалар белгиланади;
- Қонунбузилиш ҳолатлари бўйича назорат органлари кесимида алоҳида статистик ахборотлар шаклланиши функциясини яратиш;
- Қонунбузилиш ҳолатлари сони назорат органлари фаолиятини баҳолаш модулида акс этишини таъминлаш;
- Тизим орқали ҳисбот ва статистик маълумотларни шакллантиришда саволномадаги саволлар кесимида текширишлар ҳақида маълумотлар олинишини таъминлаш.

### 3.2.9. “Текширишларни рўйхатга олиш китоби” модули

Текширишларни рўйхатга олиш китоби — ўтказилган текширишлар тўғрисидаги ахборот ёзиб қўйиладиган электрон китобидир. Китобнинг тегишли қисми, текширувчи мансабдор шахс томонидан текшириш бошланишига қадар тўлдирилади.

Китобга текширувчи томонидан қўйидаги маълумотлар киритилади:

1. Текширувларни рўйхатдан ўтказиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказилган текшириш рақами;
2. Текширув ўтказаётган назорат қилувчи орган номи;
3. Текширувчи мансабдор шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми (текширувчи шахслар бир нечта бўлганида қўшимча текширувчилар тўғрисидаги маълумотларни қўшиш имконияти яратилади);
4. Текширувчи мансабдор шахснинг маҳсус гувохнома рақами (киритилган маҳсус гувохнома рақами текшириш хуқуки берилган мансабдор шахслар реестрида мавжуд бўлмаган тақдирда гувохнома рақами қабул қилинмайди);
5. Текшириш ўтказилаётган тадбиркорлик субъекти манзили;
6. Текшириш ўтказиш учун асос бўлган буйруқ рақами ва санаси;

7. Текшириш тури, бунда назорат функциялари реестридаги текшириш тури ва унинг маҳсус коди кўрсатилади (бўлимга маҳсус код киритилганда назорат функциялари реестридан маҳсус кодга бириктирилган назорат функцияси номи автоматик тўлдирилади);
8. Текширишнинг муддати, давомийлиги (неча кунлиги);
9. Текшириш бир нечта назорат қилувчи орган томонидан ўтказилганда, бошқа назорат қилувчи органлар томонидан ҳам юқоридаги маълумотлар киритилиши учун қўшимча алоҳида бўлинма тўлдирилади;
10. Текширишга мутахассис жалб қилинган тақдирда жалб қилинган мутахассис исми, фамилияси, отасининг исми;
11. Жалб қилинган мутахассис иш жойи;
12. Жалб қилинган мутахассис фаолияти йўналиши;
13. Мутахассис жалб қилишга асос бўлган шартнома рақами ва санаси.

Юқоридаги маълумотлар текширувчи шахс томонидан киритилгандан сўнг сақлаш тугмаси босилади ҳамда маълумотлар кейинчалик ўзгартириш имкониятисиз сақланади.

Текшириш якунига етказилгандан сўнг Китобга киритилган ёзувга қўшимча равишда тадбиркор томонидан куйидаги маълумотлар киритилади:

1. Текшириш бошланиш санаси;
2. Текшириш тугаш санаси;
3. Текширишнинг аниқ муддати ва давомийлиги;
4. Талаб қилиб олинган хужжатлар;
5. Текшириш жараёнида кўлланилган чоралар;
6. Ўтказилган текширишга баҳо бериш (юқори професионаллик билан ўтказилди, қониқарли, паст даражадаги професионаллик билан ўтказилди, дўқ-пўписа ва кўполлик билан ўтказилди);
7. Коррупция ҳолатлари кузатилгани ҳақида маълумот;
8. Текширувда учинчи шахслар қатнашганлиги ҳақида маълумот (менюда Савдо-саноат палатаси вакили, адвокат, солиқ маслаҳатчиси ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари вариантлари кўрсатилади).

Китоб Тадбиркор профили орқали тўлдирилади, Модератор, Тасдиқловчи ва Инспекторларга Китобга киритилган маълумотларга ўзгартириш киритишга йўл қўйилмайди.

Модераторлар Китобга киритилган маълумотларни факат юклаб олиш имкониятига эга бўлади.

### **3.2.10. “Тадбиркор фаолияти бўйича ўз-ўзини текшириш” модули**

Шу билан биргаликда дастурий мажмууда тадбиркорлик субъектларининг ўз фаолиятларининг мажбурий талабларга мослигини ўзини ўзи текшириш механизми бўлиши лозим.

Бунда ҳар бир тадбиркор ўзининг фаолият тури ҳакида тўлиқ маълумотни дастурий мажмууда ўзининг ИФУТ коди бўйича олиши мумкин бўлиши лозим. Аниқ мисолларда ҳар бир ИФУТ коди бўйича қандай текширувлар олиб борилиши, қандай мажбурий талаблар мавжудлигини кўриш имкониятлари мавжуд бўлади.

Тадбиркорлар сўровномалар орқали фаолият тури бўйича ўзининг қонунчилик талабларига мос ёки мос эмаслигини текшириш имкониятига эга бўлади. Бунда фаолият тури бўйича талабларга мувофиқ тадбиркорлар берилган саволларга жавобларни ўз фаолиятидан келиб чиккан ҳолда танлаганда, уларнинг жавоблари асосида фаолиятининг мажбурий талабларга мос ёки мос эмаслиги ва қайси талабларга мос эмаслиги натижаси кўрсатилади.

### **3.2.11. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги индексини шакллантириш” модули**

Тадбиркорлик субъектларида ўtkазилган текшируv натижаларига кўра олиб борилган текшируvни аниқ белгиланган кўrсаткичлар бўйича баҳолаш механизми ишлаб чиқилиши лозим. Баҳолаш тизимдаги маълумотлар асосида текшируv натижалари асослилиги ҳамда қонунийлиги, профилактик тадбирлар ва текширувлар мутаносиблиги, тадбиркорларнинг текшируv натижаларидан қониқиш даражаси каби кўrсаткичлар асосида тузилиши лозим.

Назорат органлари фаолиятини баҳолаш модулида ҳар бир назорат қилувчи органинг фаолияти тизимнинг бошқа модуллари билан боғлиқ маълумотлар ҳамда Модераторлар томонидан киритилган маълумотлар асосида баҳоланади ҳамда рейтинг шакллантирилади.

Индекс бўйича баҳолаш мезонлари, тартиби ҳамда қайси модуллардан қандай маълумотлар асосида шаклланиши “Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги индексини шакллантириш” тартиби ишлаб чиқилгандан сўнг, унга мувофиқ амалга оширилади.

### **3.2.12. “Ташқи интеграция” модули**

Ушбу Тизим ишлаши учун бошқа ташкилотлар билан интеграция қилиниши лозим, масалан жисмоний ва юридик шахслар базалари, Солиқ қўмитаси тизимлари, Ягона идентификацион тизим,

Тегишли идора ички тизимлари мавжуд бўлса, ахборот тизимлари ўзаро интеграция қилиниши ҳамда электрон тарзда маълумотлар алмашиш йўлга қўйилиш лозим.

Ташқи интеграция модулида универсал API яратилиб, тегишли органлар билан маълумот алмасиниши лозим.

### 3.2.13. “Хисоботлар” модули

Тизим фойдаланувчилари ўзларига тегишли ишлар бўйича белгиланган шаклларда хисоботларни олиши мумкин. Хисобот шакллари ва турлари дастурий таъминотни яратиш вактида шакллантирилади.

## 3.3. Тизимдаги асосий очиқ ва ёпиқ реестрлар

### 3.3.1. Давлат назорат функциялари реестри

Ушбу модулда назорат қилувчи органларнинг қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган назорат функциялари (текшириш тури) рўйхати акс эттирилади.

Реестрда ҳар бир назорат килиувчи органга алоҳида тартиб рақами ҳамда ҳар бир назорат функциясининг маҳсус коди белгиланади. Текширишларни рўйхатга олиш китобида текшириш турини танлашда назорат функциясининг маҳсус кодини киритиш орқали маълумотлар тўлдирилади.

Реестр очилиб ёпиладиган менюлардан иборат бўлади, асосий кўринишда назорат қилувчи органлар рўйхати туради ҳамда назорат қилувчи органлар номига босилганда уларнинг назорат функциялари рўйхати, маҳсус код, назорат функцияси номи ва назорат ваколати белгиланган норматив-хуқукий ҳужжат тўғрисида маълумотлар кўринади.

Тизимда ҳар бир назорат функциясига бундай назорат функцияси қайси тадбиркорлик соҳасида қўлланилиши тадбиркорлик фаолияти турлари бўйича ИФУТ кодлари билан белгиланади. Барча тадбиркорлик соҳасига таалуқли бўлган назорат функцияларига алоҳида код белгиланади.

Модулнинг алоҳида бўлинмасида “сизнинг фаолиятингизга таалуқли назорат функциялари” менюси бўлади. Ушбу бўлинмада тадбиркор ўз саҳифасидаги “Камраб олинган фаолият турлари” бўлимида танлаган фаолият турлари бўйича назорат функциялари алоҳида ажратиб кўрсатилади.

Тизимдан рўйхатдан ўтмаган фойдаланувчиларга модулнинг фақат умумий реестр қисми кўринади.

### 3.3.2. Мансабдор шахсларнинг электрон реестри

Мансабдор шахсларнинг электрон реестри модули Назорат қилувчи органлар билан боғланган бўлиб, ҳар бир мансабдор шахс Назорат қилувчи органга боғланган бўлиши лозим. Бунда Мансабдор шахс тўғрисидаги маълумотлар Давлат

персоналлаштириш маркази ва Меҳнат вазирлиги ахборот тизимлари орқали олиниши таъминлаш талаб қилинади.

Мансабдор шахсларнинг куйидаги маълумотлар бўлиши зарур:

- Жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами(ЖШШИР);
- Исли шарифи;
- Паспорт маълумотлари;
- Назорат қилувчи орган;
- Махсус код;
- Тизимдаги роли ва имкониятлари;
- реестрга кирган сана;
- реестрдан чиқкан сана;
- очиқ сертификат калити.

Тизимда шахсга доир маълумотларни сақлаш билан боғлиқ талабларни тўлик бажариш ва қонун хужжатлари билан белгиланган талаблар асосида маъулмотларни ишлашни йўлга кўйиш талаб қилинади.

Тизимда амалга оширилаётган ҳар қандай амалиёт ушбу модул орқали текширувдан ўтиши ва тегишли актив мансабдор шахс топилганда кейинги амалга рухсат берилиши талаб қилинади.

### **3.3.3. Савдо-саноат палатаси аъзолари реестри**

Савдо-саноат палатаси билан бирганликда шакллантирилади ва Савдо-саноат палатаси аъзолари бўлган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишда ушбу тадбиркорлик субъекти розилиги билан Савдо-саноат палатаси ходимлари иштирок этиши таъминланади.

### **3.3.4. Мажбурий талаблар реестри**

Ушбу модулда тадбиркорлик соҳасида амал қилиниши лозим бўлган қонунчилик хужжатлари билан белгиланган мажбурий талаблар рўйхати акс эттирилади.

Мажбурий талаблар рўйхати соҳалар кесимида кўрсатилади. Бунда барча тадбиркорлик соҳалари учун амал қилиниши мажбурий бўлган талаблар алоҳида кўрсатилади.

Реестр очилиб ёпиладиган менюлардан иборат бўлади, асосий кўринишда соҳалар номи туради ҳамда соҳалар номига босилганда улардаги мажбурий талаблар рўйхати, мажбурий талаб маҳсус коди, мажбурий талабнинг мазмуни ва мажбурий талаб белгиланган норматив-хукуқий хужжат тўғрисида маълумотлар кўринади.

Тизимда ҳар бир мажбурий талаб бундай талаб қайси тадбиркорлик соҳасида кўлланилиши тадбиркорлик фаолияти турлари бўйича ИФУТ кодлари билан

белгиланади. Барча тадбиркорлик соҳасига таалуқли бўлган назорат функциялари га алоҳида код белгиланади.

Модулнинг алоҳида бўлинмасида “сизнинг фаолиятингизга таалуқли мажбурий талаблар” менюси бўлади. Ушбу бўлинмада тадбиркор ўз сахифасидаги “Қамраб олинган фаолият турлари” бўлимида танлаган фаолият турлари бўйича мажбурий талаблар алоҳида ажратиб кўрсатилади.

Тизимдан рўйхатдан ўтмаган фойдаланувчиларга модулнинг факат умумий реестр кисми кўринади.

### 3.3.5. Текшириш хукуқига эга мансабдор шахслар реестри

Текшириш хукуқига эга мансабдор шахслар реестрида қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда аттестациядан ўтган ва маҳсус гувохномага эга бўлган мансабдор шахслар рўйхати мавжуд бўлади.

Реестрда мансабдор шахснинг маҳсус гувохнома рақами, исми, фамилияси, отасининг исми, лавозими, маҳсус гувохномасининг амал қилиш муддати, аттестация комиссияси қарори рақами ва санаси, фаолият юритувчи назорат қилувчи орган номи кўрсатилади.

Реестрга маълумотлар аттестация ўтказилган назорат органининг аттестация комиссияси ишчи органи таркиби гирифати Инспектори томонидан киритилади.

Бунда Инспектор томонидан маълумотлар киритилиши учун тизимга қўйидаги маълумотлар киритилиши учун бўлинмалар мавжуд бўлади:

- назорат қилувчи орган номи;
- назорат қилувчи органнинг аттестация ўтказилган бўлинмаси номи;
- аттестация санаси ва маҳсус гувохнома амал қилиш муддати;
- аттестация комиссиясининг якуний баённома рақами ва санаси;
- аттестация комиссияси карорининг электрон файлини юклаш;
- аттестациядан муваффакиятли ўтган мансабдор шахсларнинг исми, фамилияси, отасининг исми, лавозими, маҳсус гувохноманинг амал қилиш муддати, паспорти серияси, рақами, қачон ва ким томонидан берилганлиги, ЖШШИР рақами;
- аттестациядан ўта олмаган ходимларнинг исми, фамилияси, отасининг исми, лавозими.

Инспектор томонидан маълумотлар киритилгандан сўнг сақлаш тугмасини босиш орқали маълумотлар тизимга сақланади.

Инспекторлар томонидан киритилиб сақланган маълумотлар Модератор томонидан текширилади ҳамда барча маълумотлар тўғри киритилгандигига ишонч хосил бўлганда ушбу малумотларни тасдиқлайди.

Модератор томонидан маълумотлар тасдиқлангандан сўнг тизим автоматик равишда ҳар бир аттестациядан муваффакиятли ўтган мансабдор шахсга маҳсус

гувохнома рақамини шакллантиради. Махсус гувохнома рақамлари Инспекторга кўрингандан сўнг ушбу рақам тегишли мансабдор шахсларнинг махсус гувохномасига ёзилади.

Модератор томонидан мансабдор шахсларнинг махсус гувохнома муддати тугаганда, текшириш фаолияти билан боғлиқ иш жойидан кетганда ёки текшириш хукуқига эга мансабдор шахс томонидан хукуқбузарлик ҳолатларига йўл қўйилганда унинг махсус гувохномасининг амал қилишини муддатидан аввал тўхтатиб қўйилиши мумкин.

Тадбиркорлар ўз саҳифаларидаги тегишли менюдан мазкур реестрга киришлари ҳамда мансабдор шахснинг махсус гувохномаси рақамини ёки унинг исми ёки фамилиясини излаш бўлинмасига киритиш орқали мансабдор шахс ҳақида маълумот топиши мумкин бўлади.

Бунда тадбиркорга излаш натижалари, уларда изланган параметр бўйича тўғри келадиган мансабдор шахслар рўйхати чиқади. Рўйхатда мансабдор шахснинг махсус гувохнома рақами, исми, фамилияси, отасининг исми, лавозими, махсус гувохномасининг амал қилиш муддати, аттестация комиссияси қарори рақами ва санаси, фаолият юритувчи назорат қилувчи орган номи кўрсатилади.

Тизимдан рўйхатдан ўтмасдан фойдаланувчиларга мазкур реестр кўрсатилмайди.

### 3.4. Тизимнинг бошқа қисмлари

#### 3.4.1. Назорат қилувчи органлар учун электрон шаклдаги текшириш саволномаси

Назорат қилувчи органлар текшириш саволномаларни хисобини юритиш модули ўз ичига доимий янгиланиб турадиган саволномалар ва уларнинг характеристикаларини ўз ичига олади.

Биринчи навбатда модул учун керак маълумотномалар (справочник) яратилиши лозим.

Саволномалар йўналишлари:

- код;
- қисқача номи;
- тўлиқ номи.

Саволнома соҳалари:

- код;
- қисқача номи;
- тўлиқ номи.

Саволнома жавоб турлари:

- код;
- қисқача номи;
- түлиқ номи.

Саволнома:

- код;
- қисқача номи;
- түлиқ номи;
- йўналиш;
- соҳа;
- асос бўладиган норматив ҳужжат;
- саволномага киритилган сана;
- саволномадан чиқарилган сана.

Саволномалар бўйича тадбиркорлик субъектларидан таклиф ва мулоҳазаларни қабул қилиш ойнаси бўлиши лозим. Ҳар бир текширувда саволнома кодига боғланиши шарт ва керакли ҳисботларни яратиш имкони бўлиши лозим.

### **3.4.2. Ўтказилган профилактик тадбирларнинг электрон ҳисобини юритиш**

Тадбиркорлик соҳасида кўп йўл қўйиладиган қонун бузилишлари ва хатоликларни олдини олиш мақсадида, тадбиркорлар ўртасида доимий равишда тушунтириш ва профилактик тадбирлар олиб бориш ишлари амалга оширилиши зарур. Бунинг учун тизимда ҳар бир назорат органи томонидан амалга оширилган тадбирлар электрон реестри шакллантирилади ва уларнинг ижроси амалга оширилганлиги тўғрисидаги маълумотлар назорат органлари томонидан критиб борилади.

Бу тизим орқали профилактик тадбирларнинг ижроси ўз вақтида ва хақиқатда амалга оширилган назорат қилиб борилади ва тадбиркорлар фаолиятида амалга оширилган профилактик тадбирларга тадбиркор шахсий кабинети орқали баҳо бериш имконияти хам яратилади.

Бу орқали назорат органлари томонидан амалга оширилаётган профилактик тадбирлар самарадорлигини худудлар, соҳалар ва йўналишлар кесимида таҳлил қилиш имконияти яратилади.

### **3.4.3. Видео-дарсликлар**

Ушбу бўлимга Модераторлар томонидан тадбиркорлик соҳасидаги қонунчилик талабларини тушунтириш бўйича видео-дарсликлар жойлаштирилади. Видео-дарсликлар “Youtube” ижтимоий тармоғига юкланади, тизимдаги видеолар ушбу ижтимоий тармоқ билан интеграция қилинган ҳолда кўрилади.

Юкланган видео-дарсликларни кўриш тадбиркорлар учун тегишли бўлимда амалга оширилади.

#### **3.4.4. Сўровномалар**

Бўлимда Модераторлар томонидан тадбиркорлик соҳасига оид сўровномалар тузилади ва натижалари бўйича статистик ҳисботлар автоматик тарзда шаклланади.

Сўровномаларни тузишда сўровнома тизимдан рўйхатдан ўтган тадбиркорлар ёки барча фойдаланувчилар учунлигини белгилаш имконияти яратилади.

Рўйхатдан ўтган тадбиркорлар учун тузилган сўровномаларда факат тизимдан рўйхатдан ўтган тадбиркорлар иштирок этиши мумкин бўлади. Бошқа ҳолатда сўровномаларда тизимдан рўйхатдан ўтган ва ўтмаган барча фойдаланувчилар иштирок этиши мумкин бўлади.

#### **3.4.5. Шикоятлар ва ҳабарлар**

Мазкур бўлим орқали тизимдан рўйхатдан ўтган тадбиркорлар ваколатли органга давлат назоратига оид шикоят ва ҳабарларни юбориши мумкин бўлади.

Бунда мурожаатда қуидаги маълумотлар кўрсатилади:

- Мурожаатчининг исми, фамилияси, отасининг исми;
- Тадбиркорлик субъекти номи (автоматик тарзда тўлдирилган бўлади);
- Алоқа учун телефон рақами;
- Мурожаат мазмуни
- Илова қилинадиган ҳужжатлар ва маълумотлар

#### **3.4.6. Барча фойдаланувчилар учун очик маълумотлар**

Тизимдан рўйхатдан ўтмаган ҳолдан ундан фойдаланувчи, “бошқа фойдаланувчилар” категориясига кирувчи фойдаланувчилар тизимнинг асосий сахифасида қуидаги маълумотлар билан танишиши мумкин бўлади:

- Давлат назорати билан боғлиқ янгиликлар;
- Тизимдаги маълумотлар асосида шаклланган статистик ва бошқа ахборотлар;
- Назорат функцияларининг умумий реестри;
- Мажбурий талабларининг умумий реестри;
- Барча фойдаланувчилар учун яратилган сўровномалар.

#### **3.4.7. Ташқи маълумотлар портали**

Тизимга алоҳида веб-саҳифа, Бизнес-омбдусманнинг веб-саҳифаси ва мобил илова орқали кириш мумкин бўлади.

Вазифа:

1. Тизим учун алоҳида янги домен яратиш;
2. Тизим учун алоҳида веб-саҳифа яратиш;
3. Бизнес-омбудсман расмий веб-сайти орқали тизимга ўтиш бўлимини яратиш;
4. Тизимдан фойдаланиш учун мобил иловани яратиш.

Тизим веб-саҳифасининг дастлабки номи: [www.govcontrol.uz](http://www.govcontrol.uz)

Тизим интерфейси ўзбек ва рус тилларида бўлиши лозим.

## 4. Тизимга қўйиладиган талаблар

### 4.1. Умуман тизимга қўйиладиган талаблар

#### 4.1.1. Тизимнинг структураси ва ишлашига қўйиладиган талаблар

Ишлаб чиқиладиган ахборот тизими:

- техник топшириқда кўзда тутилган барча вазифаларни бажариши;
- мижоз-сервер технологиясида ишлаши;
- буюртмачининг эҳтиёжларига кўра тизимга киритиладиган кичик ўзгаришларга тез ва осон мослашувчан бўлиши, шу билан тизимни сақлаш ва техник қўллаб-қувватлаш харажатларининг камайишига ҳам эришилиши;
- келажакда тизимнинг функционал имкониятлари кўпайтирилиб, тизим такомиллаштириб борилиши мумкинлиги кўзда тутилган бўлиши;
- умумий маълумотлар базаси билан ишлайдиган бир қанча алоҳида модуллар шаклида яратилиб, ҳар бир модулни алоҳида такомиллаштириш ёки қўшимча модуллар қўшиш имконияти кўзда тутилган бўлиши;
- келажакда бошқа ахборот тизимлари билан интеграция килиниши мумкинлиги кўзда тутилган бўлиши;
- техник воситалар ва малакали техник хизмат кўрсатишни оптималь даражада талаб қилиши;
- фойдаланувчилар учун қулай интерфейсга эга бўлиши ва оммабоп дастурий воситалар интерфейсларига ўхшаш бўлиши;
- маълумотларнинг ишончли сақланишини таъминлаши;
- маълумотларнинг қулай ва тушунарли қўринишларда акс эттирилишини таъминлаши лозим.

Тизим уч босқичли марказлашган тузилмага эга бўлиб, республика бўйича ягона марказий маълумотлар базаси сервери, барча ҳисоб-китоблар амалга ошириладиган сервер дастури ва веб-браузер орқали кириладиган дастурий интерфейсдан ташкил топиши лозим.

Веб-браузер орқали кириладиган тизим очик ва ёпиқ қисмлардан иборат бўлиб, ундан стационар компьютерлар билан бир қаторда, мобил қурилмалар орқали ҳам фойдаланиш имконияти яратилиши лозим.

Тизимнинг очик қисмида ахборот тизимига даҳлдор бўлган умумфойдаланиладиган маълумотлар жойлаштирилиши лозим.

Тизимнинг ёпиқ қисми турли даражадаги ҳуқукларга эга бўлган фойдаланувчиларнинг "шахсий кабинет"ларидан иборат бўлиб, улар томонидан

тизимнинг имкониятларидан тұлақонли фойдаланиш учун ягона кириш жойига эга бўлиши лозим.

Тизимнинг ёпик қисми ахборот тизими доирасида фойдаланиладиган ахборотларнинг тартибли сакланиши, автоматик тарзда қайта ишланиши ва қулай интерактив таҳлилий шаклларда акс эттирилишини таъминлаши ҳамда фойдаланувчиларнинг ахборот билан таъминланганлик даражасини яхшилашга хизмат қилиши лозим.

Тизимнинг модуллари ҳамда уларнинг вазифалари мазкур техник топширикнинг 3-бўлимида келтирилган.

Тизимнинг тұлақонли ва оптималь ишланиши таъминлаш учун, унинг модуллари ягона мажмуя сифатида ишлashi лозим. Асосий алоқа воситаси сифатида TCP/IP протоколи асосидаги химояланган VPN ёки корпоратив компьютер тармоғидан фойдаланилади. Буюртмачининг хошишига кўра, тизимдан TAS-IX тармоғи орқали фойдаланилиши ҳам мумкин.

Тизимнинг барча фойдаланувчилари учун, уларнинг ҳудудий ва функционал фарқланишларидан қатъий назар дастурий таъминот ягона нусхада бўлиши лозим. Бунинг учун дастурий таъминотда фойдаланувчиларнинг гурухлар ва роллар бўйича, шунингдек ҳудудлари, даражалари ва бошқа белгилари бўйича турларга ажратилган бўлиши ҳамда уларнинг барчаси ягона тизим доирасида ўзаро уйғунликда, бир-бирига зарарли таъсир кўрсатмаган ҳолда, мустақил ишлаш имкониятига эга бўлиши лозим.

Тизим фойдаланувчилари асосан учта гурухга ажратилади:

- 1-гурух – тизим фойдаланувчилари;
- 2-гурух – тизимдаги маълумотларни фақат кўрувчи фойдаланувчилар;
- 3-гурух – тизим администраторлари.

Тизимнинг барқарор ишлаши учун талаб этилган барча шарт-шароитлар яратиб берилган ҳолатда, тизим администраторлар аралашувисиз 24/7 режимида доимий ва тўхтовсиз ишлашга мўлжалланган бўлиши лозим.

Тизимда дастурий таъминотга қўшимча функционал имкониятларнинг қўшилиб бориши ҳамда техник воситаларнинг кучайтириб борилиши мумкинлиги қўзда тутилган бўлиши лозим.

Тизим фойдаланувчиларининг сони ёки фойдаланиш кўлами кенгайган ҳолларда, дастурий ва техник таъминотнинг ишлаш тезлигини ошириш талаб этилиши мумкинлиги ҳам қўзда тутилган бўлиши лозим.

#### **4.1.2. Тизим ходимларининг сони ва малакасига ҳамда унинг ишлаш режимига қўйиладиган талаблар**

Тизимнинг ишланиши таъминловчи фойдаланувчи турлари:

- тизим фойдаланувчилари;

- администраторлар.

Тизимдан фойдаланувчиларнинг тахминий сони:

- тизим фойдаланувчилари – 10 000 тагача
- администраторлар – 10 тагача.

Тизимнинг барқарор ишлаши учун куйидагилар талаб этилади:

- серверлар, сервер дастурий таъминотлари ва ахборот узатиш тармоқларининг бенуқсон ҳамда узлуксиз ишлаши таъминланиши;
- администраторлар томонидан тизимга бошлангич маълумотларнинг тўғри киритилиши ва маҳсус администраторлик дастури ёрдамида тизим тўғри бошқарib борилиши;
- операторларга техник кўмак берувчи доимий қўллаб-қувватлаш хизматининг тўлақонли фаолият кўрсатиши.

Ходимларнинг лозим даражадаги билим ва малакага эга бўлишига эришиш мақсадида, тизим операторлари, администраторлари ҳамда қўллаб-қувватлаш хизмати ходимлари учун буюртмачининг мутахассислари томонидан тизимдан фойдаланиш коидалари бўйича олдиндан ўқувлар ташкил этилиши ва юқори савияда ўтказилиши лозим.

Ўқувлар буюртмачи томонидан, тизимни ишлаб чиқарувчи корхона билан келишилган ҳолда ташкил этилиши ва ўқувни юқори савияда ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилиши лозим.

#### **4.1.3. Вазифаси кўрсаткичлари**

Тизимга 2000 тагача фойдаланувчи бир вақтнинг ўзида уланган пайтда ҳам, тизимнинг ишлаш тезлиги куйидаги кўрсаткичлардан камайиб кетмаслиги лозим:

- веб-интерфейс орқали маълумотни сақлаш тезлиги – кўпи билан 5 сония;
- сўровларни акс эттириш – кўпи билан 5 сония;
- батафсил маълумотларни акс эттириш – кўпи билан 10 сония.

Йирик ҳисоботларни шакллантиришга сарфланадиган вақт уларнинг мураккаблиги ва маълумотлар микдорига мос бўлиб, 20 дақиқадан ортмаслиги лозим.

Маълумотларнинг ҳажми кўпайиши билан боғлик бўлган секинлашишини бартараф этиш учун, сервер қурилмалари ва алоқа тармоқларининг тезликларини орттириш етарли бўлиши ва бунда дастурий таъминотга ўзгаришлар киритиш талаб этилмаслиги лозим.

Тизимнинг ташки кўриниши ва ҳисбот шаклларига киритиладиган кичик ўзгаришлар тизимнинг иши вақтинча тўхтатиб қўйилишини талаб этмаслиги, дастурий таъминот ишлаб турган вақтнинг ўзида такомиллаштириш ва эҳтиёжларга мослаштириш имкониятларига эга бўлиши лозим.

Тизим ҳар соатда 5 000 та мурожаатни юқорида кўрсатилган тезликда қайта ишлай олиши ва профилактик ишлар учун тизимни тўхтатиб туришлар давомийлиги ҳар ойда 4 соатдан ортиб кетмаслиги лозим.

#### 4.1.4. Ишончлилигига қўйиладиган талаблар

Ишлаб чиқиладиган ахборот тизими:

- буюртмачига камидаги 3 йил давомида хизмат қилиш имкониятига эга бўлиши ҳамда хизмат қилиш муддати давомида ўзининг тезлик ва барқарорлик кўрсаткичларини йўқотмаслиги;
- дастурий таъминотнинг нотўғри ишлаши билан боғлиқ ҳолатларда маълумотларнинг йўқолиб кетишига йўл қўймаслиги;
- тизимдан фойдаланиш қоидаларига тўлиқ риоя қилинган ҳолларда, тўхтовсиз, барқарор ишлаши;
- дастурий таъминотдаги хатолик сабабли тизимнинг иши тўхтаб қолган ҳолатларда, мазкур техник топшириқда белгиланган ёки буюртмачи ва ишлаб чиқарувчи ўртасида келишилган муддатларда тизимнинг ишини тўлиқ қайта тиклаш имкониятлари мавжуд бўлиши лозим.

Тизимнинг ишончли ва узлуксиз ишлашига қўйидаги ташкилий ва техник амаллар комплекси ёрдамида эришилади:

- дастурий таъминотдаги бузилишлар. Дастурий таъминот ишдан чиқсан ҳолатда, маълумотлар банки ва дастурий таъминотнинг энг охирги олинган резерв нусхаси серверда қайта тикланади. Бундай ҳолатда дастурий таъминот фаолиятини қайта тиклаш ишлари уч соатдан ортмаслиги лозим (техник воситалар, операцион тизим ва бошқа ёрдамчи дастурларнинг иши қайта тикланиши учун сарфланадиган вақт бунга кўшилмайди);
- техник воситаларнинг ишдан чиқиши. Техник воситалар ва алоқа каналларининг барқарор ишлаши, зарур ҳолларда зудлик билан таъмирланиши, резерв алоқа каналларини ташкил қилиш ва маълумотлардан резерв нухса олиб туриш буюртмачининг мутахассислари томонидан таъминланади. Техник воситалар ёки алоқа каналларида носозлик юзага келганида, дастурий маҳсулот ўзини ва ўз маълумотлар банкини ишлашдан чиқиб қолишига ўзи сабабчи бўлмаслиги лозим;

- электр энергияси таъминотидаги узилиш ёки импульсли носозликларда хам дастурий маҳсулот ўзини ва ўз маълумотлар банкини ишлашдан чиқиб қолишига ўзи сабабчи бўлмаслиги лозим. Электр энергияси таъминотида 15 дақиқагача бўладиган узилишлар компьютерлар ва серверларнинг ўчишига ҳамда тизимнинг тўхтаб қолишига олиб келмаслиги чоралари буюртмачи томонидан кўрилган бўлиши лозим.

Тизимнинг барқарор ишлашига эришиш мақсадида буюртмачи томонидан кўшимча серверлар ва кўшимча алоқа каналлари ташкил этилиб, дастурий маҳсулот ва

маълумотлар банкларининг резерв нусхалари ушбу серверларга автоматик тарзда кўчириб борилиши йўлга кўйилиши лозим.

Маълумотлар банки ва дастурий маҳсулотдан резерв нусха олиш ва зарур ҳолларда резерв нухсадан уларни қайта тиклаш тартиб-қоидалари ишлаб чиқарувчи томонидан, тизимни фойдаланишга топшириш жараёнида, буюртмачининг администраторларига ўргатилиши ва кейинчалик бу амаллар буюртмачининг администраторлари томонидан мустакил равишда бажарилиши лозим.

Тизимнинг ишлаши учун фойдаланиладиган техник ва дастурий воситалар, тизимнинг энг юқори юклама билан ишлаш ҳолатлари учун ҳам етарли бўлиши билан бир қаторда, тизим фойдаланувчилари ҳамда бажарадиган вазифаларининг ортиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда камида 20 фойдаланилмаган резервларга ҳам эга бўлиши лозим.

Серверларда фойдаланиладиган операцион тизим, маълумотлар банкини бошқариш тизими ва бошқа ёрдамчи дастурий воситалар турли носозликларга бардошли ва авария ҳолатларида тез қайта тиклаш имкониятларига эга бўлиши лозим.

Техник воситалар барқарор электр токи билан таъминловчи қурилма (UPS), кўшимча таъминот блоки (дублирующий блок питания), юқори малакали техник кўллаб-куватлаш хизмати ва зарур бутловчи кисмлар захирасига эга бўлиши лозим.

Техник ва дастурий воситаларда юзага келган носозликлар ҳамда уларни бартараф этиш учун кўрилган чоралар буюртмачининг администраторлари томонидан батафсил қайд этиб борилиши ва бундай носозликларни камайтириш чоралари ўз вақтида кўрилиши лозим.

#### **4.1.5. Хавфсизлиги қўйиладиган талаблар**

Электр тармоғига уланган барча техник воситалар тасодифий ташқи таъсирлардан лозим даражада ҳимояланган бўлиши ҳамда ГОСТ 12.1.030-81 стандарти талабларига асосан электр носозликларидан ҳимояланган бўлиши лозим.

Электр таъминоти тизими юкламанинг меъёридан ортиб кетиш ёки кисқа туташув ҳолатларида автоматик ўчиш, шунингдек авария ҳолатларида кўлда ўчириш имкониятларига эга бўлиши лозим.

Тизимнинг техник воситаларидан фойдаланишда меҳнат хавфсизлиги ва муҳофазасининг амалдаги қоидаларига амал қилиниши лозим.

Тизимнинг ишлаши учун фойдаланиладиган барча техник воситалар серияли ишлаб чиқарилган бўлиши ҳамда мувофиқлик сертификатига эга бўлиши лозим.

Техник воситалар жойлаштириладиган бинолар, уларни саклаш, хизмат кўрсатиш ва хавфсизлигини таъминлаш шароитлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат стандартлари, шунингдек қонун ва қонуности хужжатлари талабларига жавоб бериши буюртмачи томонидан таъминланиши лозим.

Маълумотларни факат кўриш ҳукуқига эга бўлган оддий фойдаланувчилар учун техника хавфсизлиги бўйича қўшимча ўқувлар ўтказиш ёки маҳсус тайёргарликка эга бўлиш талаб этмаслиги ва улар томонидан тизимдан фойдаланишда йўлга қўйилиши мумкин бўлган хатоликлар тизим ишининг тўхтаб қолиши, маълумотларнинг йўқолиши ёки ўзгариб кетишига сабаб бўлмаслиги лозим.

Ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш учун:

- фойдаланувчиларнинг тизим маълумотлари ва функционал имкониятларига бўлган ҳукуқлари турли даражада чегаралиниши кўзда тутилган бўлиши;
- ахборотларнинг бутунлиги ва тўлиқлиги таъминланиши;
- тизим рухсатсиз кириш ҳаракатларидан ҳимояланган бўлиши;
- тизим фойдаланувчиларининг аниқ идентификацияланиши;
- тизимда фойдаланувчиларнинг ҳатти-харакатларини лозим даражада ёзиб бориш, зарурат бўлганда уларни назорат қилиш ва фойдаланиш ҳукуқланиши чеклаб қўйиш имкониятлари яратилган бўлиши;
- тизимда маълумотларни ўчириш, ўзgartериш ва бошқа алоҳида амалларни бажариш ҳукуқига эга бўлган фойдаланувчиларнинг ҳатти-харакатларини қузатиш имкониятлари яратилган бўлиши лозим.

#### **4.1.6. Эргономика ва техник эстетикага қўйиладиган талаблар**

Тизимнинг фойдаланувчи билан мулоқоти визуал график интерфейс шаклида ташкил этилиб, ушбу интерфейс қулай ва тушунарли бўлиши, меъёридан ортиқ даражадаги график элементлар ва турли ранглар билан юкланган бўлмаслиги ҳамда фойдаланувчининг талабларига тезлик билан жавоб қайтариши лозим. Тизимнинг навигация элементлари ҳам фойдаланувчи учун қулай, тушунарли кўринишга эга бўлиши ва оптимал жойда жойлаштирилиши лозим.

Тизимнинг интерфейсини лойиҳалаштиришда:

- ҳар бир модул бўйича экранда акс эттириладиган барча шакллар бир хил дизайнга эга бўлиши ва бошқарув элементлари бир хил жойда жойлаштирилиши;
- кўриниши ўхшаш бўлган бошқарув элементларининг ишлаш тартиби ҳам бир хил бўлиши (сичқонча олиб келинганда, босилганда, клавиатура тумалари босилганда барча ўхшаш элементлар бир хил тартибда ишлаши);
- клавиатурадан асосан маълумотларни киритиш ва ўзgartеришда фойдаланиши, бошқа ҳолатларда сичқончадан фойдаланилиши кўзда тутилган бўлиши;
- интерфейс 1024x768 пиксел ва ундан катта ўлчамдаги экранларда бенуқсон, нокулайликларсиз ишлаши кўзда тутилган бўлиши лозим.

Тизимнинг веб-интерфейси қуидаги асосий компонентлардан ташкил топиши лозим (4.1.2-расм):

- тизим сарлавҳаси ва бош менюси, 1;
- юқори бошқарув ва ахборот элементлари, 2;
- маълумотларни акс эттириш учун асосий жой, 3;
- қуий бошқарув ва ахборот элементлари, 4.

|   |
|---|
| 1 |
| 2 |
| 3 |
| 4 |

#### 4.1.2-расм. Тизим интерфейсининг тузилмаси

Тизимнинг ҳар бир модулини лойиҳалаштиришда асосан 2-3 хил ранглар композициясидан фойдаланилиши ва интерфейнинг барча ойналари шу ранг ва шаклларга мос бўлиши лозим.

Маълумотларни киритиш ойнасида маълумотларнинг хатосиз киритилишини таъминлашга автоматик тарзда ёрдамлашиб турадиган функция жорий этилиши лозим. Тизимнинг ишлашида хатолик юзага келганида, тизим бу хақда фойдаланувчига тушунарли бўлган хабарни экранга чиқариши лозим.

Тизимнинг маълумот киритиш қисмида фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома жойлаштирилган бўлиши ва фойдаланувчи томонидан исталган вақтда қайта ўқиб чиқиш имконияти яратилган бўлиши лозим.

Иш ўринларида фойдаланиладиган стационар ва мобиль компьютер техникалари фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш учун қулай бўлиши лозим.

Ишли ходимларнинг ишлаш шароитлари ва фойдаланиладиган компьютер техникасининг кўрсаткичлари амалдаги санитария меъёrlарига мос бўлиши лозим.

#### 4.1.7. Транспортда ташиш мумкинлигига қўйиладиган талаблар

Тизимнинг сервери, администраторлик қисми муқим бўлиб, транспортда ташиб юрилиши кўзда тутилмаган. Тизимга мониторинг қисмидан стационар компьютерлар билан бир қаторда, мобиль қурилмаларда хам фойдаланилиши мумкин. Фойдаланиладиган қурилмаларнинг конструктив хусусиятлари, уларни ташиб юриш шартлари, шунингдек ташувчи транспорт воситалари бўйича алоҳида талаблар қўйилмайди.

#### **4.1.8. Тизим компонентларидан фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва сақлашга қўйиладиган талаблар**

Тизимнинг техник ва дастурий воситаларига буюртмачининг маҳсус техник тайёргарликка эга бўлган администраторлар гурухи томонидан хизмат кўрсатилади. Заруратга кўра, тизимга техник хизмат кўрсатиш учун, буюртмачи ишлаб чиқарувчи билан алоҳида шартнома тузиб, ушбу вазифани ишлаб чиқарувчининг ўзига юклатиши ҳам мумкин. Тизимга хизмат кўрсатувчи ходимлар техник ва дастурий воситалардан фойдаланиш ҳамда кичик носозликларни мустақил бартараф этиш қоидаларини яхши билишлари лозим. Кўп учрайдиган кичик носозликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этиш усуслари, шунингдек техник ва дастурий воситаларга хизмат кўрсатишнинг энг оддий қоидалари тизим администраторлари учун мўлжалланган эксплуатация бўйича йўриқномада бўлиши лозим.

Техник воситаларни таъмирлаш ишлари ихтисослаштирилган сервис марказларида, юқори малакали мутахассислар томонидан амалга оширилиши лозим.

Техник воситалардан фойдаланиш шартлари нормал иқлим шароитлари ва санитария-гигиена талабларига мос бўлиши лозим.

Тизим ишини қўллаб-қувватлаш тизим фойдаланишга топширилгандан сўнг дастлабки 2 йил давомида бажарувчининг ходимлари томонидан буюртмачининг администраторлари ва инженер-техник ходимлари билан ҳамкорликда амалга оширилиб, агар шартномада кўзда тутилган бўлса, бу ишларга ишлаб чиқарувчининг мутахассислари ҳам жалб этилиши мумкин.

#### **4.1.9. Ахборотни рухсатсиз фойдаланишдан муҳофаза қилишга қўйиладиган талаблар**

Ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тизимнинг барча таркибий қисмлари ва ишлаш босқичларида зарурый ҳимоя чоралари кўрилиши лозим.

Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишда ахборотлар хавфсизлигини таъминлашнинг куйидаги устивор жиҳатлари ҳисобга олиниши лозим:

- тизимдан легал равишда фойдаланувчилар учун реал вақт режимида керакли ахборотларни олиш имкониятининг мавжуд бўлиши;
- ахборотларнинг яхлитлиги, ишончлилиги, актуаллиги, заарли ташки таъсиrlардан ҳимояланганлиги ва ноқонуний йўл билан кириб, ўзgartириб қўйишдан ҳимояланганлиги;
- ахборотларнинг ноқонуний йўл билан кириб, кўчириб олувчилар таъсиридан ҳимояланганлиги.

Тизимга кириш id.gov.uz тизими зарур ҳолларда электрон калит ёки электрон рақамли имзо билан ҳимояланиб, буюртмачининг администратори тизимга уланувчи

хар бир фойдаланувчига берилган ҳукуқларни исталган вақтда ўзgartириш имкониятига эга бўлиши лозим.

Ахборот тизимида давлат органларининг маҳфий ахборотлари киритилмайди ва уларни криптографик ҳимоя воситалари ёрдамида ширфлаб сақлаш талаб этилмайди.

Тизим серверлари ва тармок қурилмалари жойлаштирилган бинонинг ноконуний ташки таъсирлардан ҳимояланиши, тизимда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади ва буюртмачи томонидан амалга оширилади.

#### **4.1.10. Аварияларда ахборотнинг сақланганлиги бўйича талаблар**

Тизимнинг маълумотлар банки ва дастурий таъминотини автоматик тарзда ёки кўлда резерв нусхалаб туриш имкониятлари мавжуд бўлиши ва бу амалларни бажариш тартиби тизимни фойдаланишга топшириш жараёнида буюртмачининг администраторларига ўргатилган бўлиши лозим.

Тизим ишлашида авария ҳолатлари юзага келганида, резерв нусхаларда сақланган маълумотлар буюртмачининг администраторлари томонидан мустақил равишда қайта тикланиши ёки бу масалада тизимнинг ишлаб чиқарувчиси ёрдамидан фойдаланилиши мумкин.

Ахборот тизими ўрнатилган серверлар электр тармоғидаги носозликлардан тўлиқ ҳимояловчи ва электр таъминотидаги узилишлардан камида 15 дақика давомида муқобил электр таъминоти ёрдамида сақлаб турувчи қурилмалар билан таъминланган бўлиши лозим.

Куйидаги ҳолатлар учун ахборотларнинг сақланганлиги муҳим аҳамиятга эга:

- электр таъминотидаги носозликлар, узилишлар ёки бошқа ташки таъсир натижасида операцион тизим ёки дастурий таъминотнинг ишдан чиқиши ҳолатларида;
- техник воситаларда носозлик ёки ишдан чиқиши ҳолатлари юзага келиши натижасида операцион тизим ёки дастурий таъминотнинг ишдан чиқиши ҳолатларида;
- администраторнинг нотўғри хатти-харакатлари натижасида тизимнинг ишдан чиқиши, дастурий таъминот ёки маълумотларнинг йўқотиб юборилиши ҳолатларида.

Тизимнинг оддий фойдаланувчилари томонидан амалга ошириладиган ҳар қандай харакатлар, тизимнинг ишдан чиқишига ёки маълумотларнинг йўқотиб юборилиши сабабчи бўлиши мумкин эмас.

#### **4.1.11. Ташки таъсиридан муҳофаза қилишга қўйиладиган талаблар**

Ахборот тизимида буюртмачининг ҳимояланган корпоратив компьютер тармоғи орқали ёки “Ўзбектелеком” АҚ тизимида кирувчи провайдерларнинг VPN тармоқлари орқали фойдаланилиши лозим. Идоралараро ҳамкорлик “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро маълумотларни узатиш тармоғи орқали амалга оширилади. Буюртмачининг хоҳишига кўра, ахборотлар хафсизлигини таъминлаш ҳамда назорат

қилишнинг кучайтирилган тартибини жорий қилган ҳолда, тизимдан TAS-IX тармоғи орқали фойдаланилиши ҳам йўлга қўйилиши мумкин. Ахборот тизими серверларининг халқаро Интернет тармоғига уланишига йўл қўйилмайди.

Тизимнинг серверлари ва алоқа воситалари жойлаштирилган хонадаги шартшароитлар ушбу техник воситаларнинг ишлаб чиқарувчиси томонидан эксплуатация қилиш учун қўйилган иқлим, мухит, техник ва бошқа талабларга тўлик жавоб бериши лозим.

#### **4.1.12. Патент ва лицензия софлигига қўйиладиган талаблар**

Ахборот тизими доирасида фойдаланиладиган операцион тизимлар, маълумотлар банкини бошқариш тизими ва бошқа дастурий таъминотларнинг патент ва лицензия софлиги буюртмачи томонидан таъминланиши лозим.

#### **4.1.13. Стандартлаштириш ва бир хиллаштириш бўйича талаблар**

Тизимнинг функционал модулларини ишлаб чиқиш жараёнида бир-бирига ўхшаш бўлган барча вазифаларнинг техник, информацион, лингвистик, математик ва ташкилий ечимлари бир хил бўлишига эришилиши лозим.

Ўхшаш вазифаларнинг ечимлари бир хил бўлиши учун:

- фойдаланувчи интерфейсининг ягона услугга эгалиги ва амалларнинг дастурий-техник ечимлари бир хиллаштирилиши;
- ягона услуг ва андозага эга бўлган дастурлаш воситаларидан фойдаланиш;
- ахборот тизимини ишлаб чиқиша, нисбатан кенг тарқалган дастурлаш тиллари, воситалари ва технологияларидан фойдаланиш;
- халқаро мувофиқлик сертификатига эга бўлган ва серияли ишлаб чиқариладиган техник воситалардан фойдаланиш;
- дастурий маҳсулотнинг ишланиши учун қўшимча равишда жалб этиладиган дастурлар ва компонентлардан фойдаланишни имкон даражасида камайтириш.

#### **4.1.14. Қўшимча талаблар**

Ахборот тизимини ишлаб чиқиш, фодаланишга топшириш ва техник қўллаб-куватлаш бўйича қўшимча талаблар буюртмачи ҳамда ишлаб чиқарувчи ўртасида тузиладиган шартномада ва бошқа хужжатларда кўзда тутилиши мумкин.

### **4.2. Тизим томонидан бажариладиган функцияларга қўйиладиган талаблар**

“Ягона давлат назорати” ахборот тизимининг ишлаб чиқиладиган дастурий модулларга ушбу техник топшириқнинг 3-бўлимида кўрсатилган.

### **4.3. Таъминот турларига қўйиладиган талаблар**

#### **4.3.1. Математик таъминотига қўйиладиган талаблар**

Ахборот тизимининг математик таъминоти учун алоҳида талаблар қўйилмайди. Тизимни ишлаб чиқиш жараёнида амалдаги меъёрий ҳужжатларга асосланилади. Меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинмаган ҳолатларда мантиқан оптимал бўлган математик услублар, моделлар ва алгоритмлардан фойдаланилиши лозим.

#### **4.3.2. Ахборот таъминотига қўйиладиган талаблар**

##### **4.3.2.1. Тизимга киритиладиган маълумотларнинг таркиби, тузилмаси ва шакллантириш услубларига қўйиладиган талаблар**

Тизимга киритиладиган маълумотлар замонавий реляцион маълумотлар базасини бошқариш тизимида сақланиши ва бошқарилиши лозим. Маълумотларнинг тўлиқлиги ва ўзаро уйғунлигини таъминлаш учун маълумотлар базасини бошқариш тизимининг ички механизмларидан фойдаланилиши лозим. Маълумотлар базаси нормализация коидалари бўйича шакллантирилиши лозим.

##### **4.3.2.2. Тизим компонентлари ўртасидаги ахборот алмашинувига қўйиладиган талаблар**

Тизимнинг модуллари ва таркибий қисмлари ўртасида ахборот алмашинуви умумфойдаланиладиган маълумотлар базаси орқали амалга оширилиши лозим.

Тизим «мижоз/сервер» технологияси асосида ташкил этилиб, бунда:

- мижоз (фойдаланувчи) дастури Google Chrome, Mozilla Firefox, Opera ҳамда Safari web-браузер орқали ишлайдиган web-илова шаклида бўлиши;
- тизимнинг барча асосий амалларини бажарувчи дастурний маҳсулот дастурлар серверида жойлаштирилиши;
- тизимнинг маълумотлар базаси маълумотлар базаси серверида жойлаштирилиши лозим.

Буюртмачининг имкониятларига кўра, дастурлар сервери ва маълумотлар базаси сервери сифатида битта ягона сервердан фойдаланилиши ҳам мумкин.

Тизим серверини масофадан бошқариш, стандарт тармоқ технологиялари асосида, ҳимояланган ахборот узатиш тармоқлари орқали амалга оширилиши лозим.

#### **4.3.2.3. Бошқа ахборот тизимлари билан мувофиқлигига қўйиладиган талаблар**

Бошқа ахборот тизимлари билан мувофиқлиги таъминлаш учун, тизимда маълумот алмашишнинг қўйидаги шакллари кўзда тутилиши лозим:

- маълумотларни экспорт ва импорт қилиш имконияти;
- маълумотлар базасига масофадан уланиш;
- тизимга веб-сервис технологияси орқали боғланиш.

Тизимнинг бошқа ахборот тизимлари билан мувофиқлиги таъминлашда O'zDSt 2590:2012 давлат стандарти талабларига риоя этилиши лозим.

#### **4.3.2.4. Маълумотлар базасини бошқариш тизимиға қўйиладиган талаблар**

Тизимга юклатилган барча вазифаларнинг тўлақонли бажарилишига эришиш учун, маълумотлар базасини бошқариш тизими қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- маълумотларни реляцион тартибда саклаш ва SQL тилидаги сўровлар асосида ишлай олиши;
- "мижоз-сервер" архитектурасига мос келиши;
- турли операцион тизимлар ва техник воситаларда ишлайдиган версияларга эга бўлиши;
- интероперабеллик (бошқа архитектурадаги тизимлар билан ҳамкорликда ишлай олиши);
- кўп оқимлилик (многопоточность);
- ишончлиликни таъминлаш воситаларига эга бўлиш: транзакциялар журналини юритиш, тизим ишини тўхтатмай туриб, маълумотлардан резерв нусха олиш ва қайта тиклаш имконияти;
- маълумотлар бутунлигини таъминлаш воситаларига эга бўлиш;
- сўровларни оптималлаштириш воситаларига эга бўлиш;
- хафвасизликни таъминлашнинг ички механизмларига эга бўлиш.

Фойдаланиладиган маълумотлар базасини бошқариш тизими O'zDSt 1135:2007 давлат стандарти талабларига жавоб бериши лозим.

#### **4.3.3. Лингвистик таъминотига қўйиладиган талаблар**

